

References:

1. The decree of the President of the Republic of Uzbekistan "on the strategy of action for the further development of the Republic of Uzbekistan" dated February 7, 2017, PD-4947.
2. Meeting of President Shavkat Mirziyoyev on the transformation of the engineering industry and the development of competition. November 13, 2021
3. Bychkov V.P. Economy of a motor transport enterprise: textbook / V.P. Bychkov. - 2nd ed., Rev. and add. - Moscow: INFRA-M, 2019. -404 p. - (Higher education: Bachelor's degree).— www.dx.doi.org/10.12737/22344. - ISBN 978-5-16-012077-5.
4. Demjanovich I.V. Expert methods for solving problems of quality of transport services. // Problems of the modern economy, -2011. -№1, -342-346 p.
5. Gorshenin V.I. Transport support for commercial activities: Textbook. -Michurinsk: Michurinsk State Agrarian University Publishing House. 2009, 422 p.
6. Guketlev Yu.Kh. Formation of systems of regulation of regional transport complexes: Author. doctor of scenes dissertation - M: MADI, 2009 - 41 p.
7. Tabakov N.K. Transport development strategies. // Transport of the Russian Federation, -№4, 2006. -6 p.
8. Qodirov T. Methodological approach to assessing the competitiveness of road transport services - Scientific electronic journal "Economy and Innovative Technologies". № 2, March-April, 2014
9. Ravshanov M.N. Efficiency of creation of transport infrastructure in Uzbekistan. <https://cyberleninka.ru/article/n/effektivnost-sozdaniya-transportnoy-infrastruktury-v-uzbekistane>
10. Qaxxorov A.J. Improving innovative marketing activities in the road transport system of Uzbekistan. PhD abstract TSUE, 2018. -57 p.
11. Irisbekova M.N. (DSc) Optimization of the Transport Services Market Based on Marketing Principles: doctor of economy sciences diss. abstract TSUE, 2017 - 84 p.
12. Kalonov M.B. (PhD) Improvement of cost accounting at road transport enterprises: doc. of philosophy abstract TIF, 2017.-54 p.
13. K.A. Sharipov, U.D. Zaynutdinova. "Improving the marketing system of the automotive industry": Monograph. - T.: «ECONOMY», 2020. - 95 p.
14. E.A. Kamalova (PhD) Improving logistics management of cargo transportation: doc. diss. abstract TSUE, 2019. -62 p.
15. Z.K.Usmanov (PhD) Territorial organization and improvement of the transport system of Uzbekistan: abstract National University of Uzbekistan, 2019. -65 p.
16. The World Bank: World Development Indicators. <http://data.worldbank.org/indicator>.
17. Socio-economic situation in the Republic of Uzbekistan. January-June 2020. Tashkent - 2019, 418 p.
18. <http://web.stat.uz/search/hisobot/ru/users.php>



МАМЛАКАТИМИЗДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Шарустамов Аяттилло Одилевич -
ТошДУ мустақил изланувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a59

Аннотация. Ушбу мақолада республикада транспорт соҳасида хизматларнинг аҳамияти, замонавий транспорт-логистика хизматларининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади. Замонавий транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, республикада транспорт-логистика хизматларини ташкил этиш стратегиясини такомиллаштириш йўллари ёритилган.

Таянч сўзлар: транспорт, тизим, коммуникация, транспорт хизматларини кўрсатиш, ташувар, рақамлаштириш, интеграция жараёнлари, товар ҳаракати, транспорт логистикаси.

РАЗВИТИЕ И ФОРМИРОВАНИЕ РЫНКА ТРАНСПОРТНЫХ УСЛУГ В ГОСУДАРСТВЕ

Шарустамов Аяттилло Одилевич -
ТошДУ самостоятельных соискателей

Аннотация. В данной статье рассмотрено значение услуг в сфере транспорта в стране, особенности современных транспортно-логистических услуг. Описаны пути развития современной транспортной инфраструктуры, совершенствования стратегии организации транспортно-логистических услуг в стране.

Ключевые слова: транспорт, система, связь, транспортные услуги, перевозки, цифровизация, интеграционные процессы, товародвижение, транспортная логистика.

DEVELOPMENT AND FORMATION OF TRANSPORT SERVICES IN THE STATE

Sharustamov Ayattillo Odilovich -
TSTU applicants independent

Annotation. This article examines the importance of services in the field of transport in the country, features of modern transport and logistics services. The ways of development of modern transport infrastructure, improvement of the strategy of organizing transport and logistics services in the country are described.

Key words: transport, system, communication, transport services, transportation, digitization, integration processes, commodity movement, transport logistics.

Кириш. Барчага маълум 2020 йилда коронавирус пандемияси “Covid-19” глобал жаҳон бозорга сезиларли ўзгаришлар олиб келди. Хусусан, транспорт соҳасининг хизмат кўрсатиши жаҳонда жуда катта зарар кўрди.

Транспорт соҳаси пандемия даврида глобал логистика, ҳам ашё ва тайёр маҳсулотлар учун таъминот хавфсизлиги жиддий зарар кўрди. Инқироз талабнинг ўзгариши, ишлаб чиқариш ташкилотларининг тўхтатилиши ва маълум чекловлар туфайли юк ташишда номутаносибликни келтириб чиқарди. Мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда, миллий ҳукуматлар халқаро компаниялар билан биргаликда таъминот занжирларининг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун энг юқори устувор вазифани қўллаб-қувватлашлари керак.

Транспорт соҳаси жаҳон иқтисодиёти ва умуман ҳаёт ривожланишининг энг муҳим таркибий қисмидир, чунки транспорт жаҳон иқтисодиётининг стратегик муҳим тармоғидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётнинг барча тармоқлари ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнларининг тезлашиши транспорт соҳасини доимий такомиллаштиришга ундайди. Транспорт соҳасининг талаб даражада хизмат кўрсатиши ва халқаро савдо жараёнларини тавсифловчи таркибий ўзгаришлар жаҳон транспорт соҳасидаги эволюцион ривожланиш лардан бири деб айтсак бўлади [5].

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичи транспорт хизматлари соҳаси глобаллашувнинг асосий омилларидан биридир, ҳам халқаро, савдо ва трансмиллий компаниялар. Халқаро ва ички бозорларнинг ривожланиши ҳар доим товар ва ресурсларнинг эркин ҳаракати билан бирга келган. Жаҳон банки маълумотларига кўра, сўнгги беш йил ичида халқаро транспорт бозори 2,2 трлн. (Жаҳон ЯИМнинг 6,8%) [5].

Илмий адабиётлар таҳлили. Транспорт хизматлари соҳаси инфратузилмасини самарали бошқариш, унинг мазмуни ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига таъсирини ўрганган бир қатор олимлар транспорт соҳаси инфратузилмасини бошқариш бўйича турли ҳил фикрларни билдирганлар.

Б.К.Рахимзода бозор иқтисодиёти шароитида - хизматлар бозорини бир неча гуруҳларга ажратиш бўйича таъсирини ўрганган: булар:

- коммунал-маиший хизмат бозори;
- инсон соғлигини сақлаш ва тиклаш хизмати бозори;
- маданий-маърифий хизмат бозори;
- бошқариш, тартибга солиш ва айирбошлаш хизмати бозори [7].

Поликарпова Я.Н. ўз илмий тадқиқотларида транспорт хизматлари саноатининг ўзига

хос хусусиятлари, ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш методологияси ҳамда муаммоларини очиқ берган. Бундан ташқари, ушбу тадқиқотларда маркетинг жараёнларини бошқариш, эҳтиёжларни шакллантириш ва уларни башорат қилиш ҳам ёритиб ўтилган [8].

Ирисбеков М.Н. ўз тадқиқотларида маркетинг тамойиллари асосида транспорт хизматлари бозорини оптималлаштириш масалаларига эътибор қаратган ҳамда транспорт хизматларига қуйидагича таъриф беради: “Хизмат кўрсатиш соҳасининг анъанавий таркибий қисмларидан бири – “транспорт хизматлари” иқтисодий категория бўлиб, у ўз таркибига барча турдаги юк ва йўловчилар ташувини ва бу жараёнга мувофиқ келувчи ёки ёрдам берувчи операцияларни қамраб олади” [9].

Иванова М.Б. ўз изланишларида транспорт хизматлари бозорини баҳолашнинг эксперт ва статистик усулларини таҳлил қилиб, бозор ҳажмини прогнозлаш ва ўлчаш усулларини ишлаб чиққан [10].

Тадқиқот методологияси. Хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг мавзуга доир ёндашув ва қарашларини тадқиқ этиш ҳамда уларга нисбатан муаллифлик муносабатини билдириш асосида мазкур мақола шакллантирилди. Транспортда хизмат кўрсатиш соҳасидаги улкан салоҳият уни барқарор иқтисодий ўсишнинг ишончли манбаига айлантиришга ва иқтисодий ўсишнинг ташқи иқтисодий конъюнктурага боғлиқлигини пасайтиришга қодирдир.

Таҳлил ва натижалар. Охириги йилларда транспорт соҳасида давлат монополиясини қисқартириш, соҳа ва корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилиш, давлат-хусусий шериклар, рақамлаштириш, ташқи савдони кенгайтиришда янги ташаббусларни қўллаш, халқаро транспорт логистика тизимларига аъзоликни кенгайтириб бориш каби мақсадли йўналишлар бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилди.

Транспорт соҳасида инвестицион жозибадорликни ошириш, инвесторлар сафини кенгайтириш, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатдор ҳамкорликни амалга оширишда ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Биринчидан, темир йўл соҳаси бўйича пандемия шароитида инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилишига жиддий тўсиқлар ва хавф солганига қарамасдан 2021 йилда режалаштирилган лойиҳалар бўйича тизимли ишлар амалга оширилган.

Жумладан, Тошкент метрополитени Юнусобод линиясининг 2-босқичи қуриб битказилди (2,9 км.).

Иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича
МАЪЛУМОТ

т/р	Хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й
	Жами		27 126,8	35 196,3	44 386,0	55 872,8	68 032,1	78 530,4	97 050,0	118 811,0	150 889,8	193 697,8	219 978,5
1	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	млрд. сўм	2 080,2	2 653,0	3 219,3	3 749,8	4 541,3	5 181,5	6 306,8	8 196,7	10 332,6	10 891,7	13 852,3
2	Молиявий хизматлар		2 643,7	3 346,6	4 208,8	5 546,5	6 728,2	8 206,7	9 898,4	15 023,8	21 296,3	34 036,6	45 783,0
3	Транспорт хизматлари		10 524,4	13 571,7	16 498,8	20 562,0	23 781,0	26 817,3	30 617,8	36 217,2	44 159,4	54 473,5	53 662,9
3.1	шу жумладан: автотранспорт хизмати		5 124,0	6 462,4	8 054,4	10 313,9	12 954,7	16 032,1	19 216,7	20 232,9	21 786,8	25 527,5	28 474,1
4	Яшаш ва овқатланиш хизматлари		292,7	381,2	463,4	590,1	729,1	890,6	3 038,7	3 649,6	4 673,3	5 933,6	5 431,7
5	Савдо хизматлари		6 620,8	8 789,9	11 533,6	14 807,9	18 979,2	21 366,9	27 368,2	32 006,9	39 743,4	48 748,2	57 572,7
6	Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар		809,3	1 063,8	1 408,6	1 755,3	2 236,0	2 757,3	3 405,1	4 026,5	4 949,2	5 950,7	6 016,9
7	Таълим соҳасидаги хизматлар		763,1	1 027,4	1 385,3	1 793,0	2 154,4	2 681,4	3 263,0	4 402,0	5 416,5	7 164,9	8 539,4
8	Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар		258,0	354,4	498,8	671,9	869,9	1 100,4	1 416,3	1 701,5	2 220,0	3 104,3	3 386,7
9	Ижара хизматлари		548,0	694,4	902,7	1 177,2	1 494,6	1 801,6	2 270,1	2 589,2	3 297,4	3 733,5	4 149,0
10	Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар		624,2	762,9	944,1	1 122,8	1 388,3	1 724,5	2 187,8	2 329,2	2 630,7	3 200,1	3 347,8
11	Шахсий хизматлар		756,5	963,9	1 233,6	1 558,0	2 036,4	2 366,5	2 915,5	3 134,4	3 700,6	4 575,6	5 032,2
12	Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар		299,2	383,1	537,2	661,1	748,7	841,0	1 132,6	1 611,7	2 953,6	4 543,1	4 907,5
13	Бошқа хизматлар	906,7	1 204,0	1 551,8	1 877,2	2 345,0	2 794,7	3 229,7	3 922,3	5 516,8	7 342,0	8 296,4	

Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитенини 1-босқичи (11,4 км.) қуриб битказилди.

Андижон-Савай-Хонобод темир йўл участкаси модернизация ишлари тугатилди (65 км.). Мазкур лойиҳаларни ишга тушириш (фойдаланишга топшириш) мамлакатдаги карантин чоралари бекор қилингандан сўнг амалга оширилиши режалаштирилган.


Иккинчидан, автомобиль транспорти соҳаси бўйича логистика самарадорлиги индекси (LPI)ни ўз ичига олган жаҳон банки томонидан юритилаётган логистика самарадорлиги индекси бўйича Ўзбекистон 99-ўринни эгаллади. Ҳисоботда 168 мамлакат ўрин олган бўлиб, мазкур индекс маҳаллий компанияларнинг миллий ва халқаро бозорларга чиқишни таъминловчи таъминот занжирларининг самарадорлигини ўлчайди. LPI шунингдек, таъминот занжирларининг барқарорлиги, атроф-муҳитга таъсири ва малакали ишчиларга бўлган эҳтиёж каби ривожланаётган масалаларга ҳам эътибор қаратади. Индексни таркибий қисмлари бўйича кўриб чиқадиган бўлса, Ўзбекистон божхона тартиблари бўйича 140, инфратузилма бўйича 77, халқаро юклар бўйича эса 120-ўринни эгаллаган. Логистика сифати бўйича 88-ўрин, товарларни кузатиб бориш имкониятлари бўйича 90-ўрин,

етказиб бериш муддатлари бўйича эса 91-ўринни эгаллаган [11].

Учинчидан, авиация хизматлари соҳаси бўйича 2020 йил 1 августдан хорижий авиакомпанияларга вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси халқаро аэропортларида бешинчи даражадаги “Ҳаво эркинлиги”, “Навоий” ва “Термиз” халқаро аэропортларида эса юк ташувчи авиакорхоналар учун еттинчи даражадаги “ҳаво эркинлиги”ни тақдим этувчи “Очиқ осмон” режими жорий этилиши потенциал инвесторларнинг юртимиздаги ҳаво ташувлари бозорига кириб келишига замин яратмоқда.

Транспорт соҳасидаги энг муҳим ислохотлардан бири транспорт хизматлари бозорини эркинлаштириш, давлат монополиясини ва чекловларни босқичма-босқич қисқартириб бориш, хорижий инвесторларга қулай шартларда давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида йирик объектларни тақдим этиш каби йўналишларда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда коронавирус пандемияси транспорт соҳасига салбий таъсир кўрсатган бўлсада, лекин Давлатимиз Раҳбари ўз вақтида тегишли чоралар кўрилганлиги натижасида 2021 йилда транспорт хизматлари ҳажмининг ўсишига эришилди.

Транспорт хизматларининг ўсиш суръати, %




2-расм. Республикада транспортда хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича маълумот

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики 2021 йил якуни билан транспорт хизматлари ҳажми 67 млрд сўмни ташкил этиши ёки ўтган йилга нисбатан 14 млрд. сўмга ошганини (яъни 17 фоизга) кўрсак бўлади.

Коронавирус пандемияси хизматлар соҳа-

сига, айниқса, транспорт хизматлари, меҳмонхона хизмати, умумий овқатланиш, ноистеъмол товарлари билан савдо қилиш, таълим хизматининг барча турлари, санъат ва дам олиш объектлари хизмати соҳасига нисбатан кучли таъсир қилди.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида транспорт хизматлари соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари

Ушбу соҳалардаги корхоналар фаолиятининг қисқартирилиши карантин чораларига ва гавжум жойларда инфекция тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли 2020 йилда кўрсаткичлар анча тушиб кетилганлигини кўришимиз мумкин (2-расм).

Таҳлил мобайнида транспорт хизматлари ривожланишига тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммо ва камчиликлар юзага келади. Булар куйидагилар:

- транспорт воситаларига қуйиладиган ёқилғи ва газ нархи ошиши;
- автомобиль йўлларининг сифати пастлиги ҳамда таъмир талаб ҳолатга келиб қолганлиги;

- юк ташувчи автомобилларнинг эскириб қолганлиги ҳамда замонавий юк машиналарининг нархи жуда юқорилиги;

- музлаткичли юк машиналарининг етишмовчилиги сабабли минтақавий ва ҳалқаро бозорга экспорт товарларининг етказилишининг сустлашуви;

- “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг ички рейслар учун ўрнатилган чипта нархлари жуда юқорилиги;

- қўпчилик шаҳардан чекка ҳудудларда ҳалигача йўловчи ташиш маршрутларининг йўлга қўйилмаганлиги;

- йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автотранспорт воситаларига мажбурий ўрнатилиши лозим бўлган таксометрлар нархи жуда юқорилиги;

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ

Т/р	Хизматлар номи	2018 йил (амалда)		2019 йил (амалда)		2020 йил (амалда)		2021 йил (амалда)		2022 йил (прогноз ПҚ-5113)	
		ҳажми, млрд. сўм	ўсиш суръати, %	ҳажми, млрд. сўм	ўсиш суръати, %	ҳажми, млрд. сўм	ўсиш суръати, %	ҳажми, млрд. сўм	ўсиш суръати, %	ҳажми, млрд. сўм	ўсиш суръати, %
	Жами	44 159	104,5	54 474	106,7	53 663	91,4	67 418,2	117,6	84 831	125,9
1	Автотранспорт хизмати	21 787	101,6	25 528	105,1	28 474	101,4	37 114	121,0	47 181	126,5
2	Қувур йўли транспорти хизматлари	7 574	110,3	10 532	89,4	9 515	91,0	10 001	120,3	12 378	125,2
3	Темир йўл транспорти хизматлари	5 929	81,2	7 241	122,6	8 202	110,3	8 479	120,5	10 604	125,7
4	Ҳаво транспорти хизматлари	4 971	120,3	6 251	119,7	3 217	43,0	6 343	120,2	7 785	121,8
5	Бошқа транспорт хизматлари	3 897	136,2	4 922	110,0	4 256	77,4	5 479	121,0	6 883	126,2

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари (2-жадвал) йиллар кесимида таҳ-

лил қилинганда жами хизматлар 2018 йилда 44 159 млрд.сўм ўсиш суръати 104,5 фоиз, 2019 йилда 54 474 млрд.сўм ўсиш суръати 106,7 фоиз,

2020 йилда 53 663 млрд.сўм ўсиш суръати 91,4 фоиз, 2021 йилда 67 418,2 млрд.сўм ўсиш суръати 117,6 фоиз ва 2022 йилга жами хизматлар режаси 84 831 млрд.сўм белгиланган бўлиб, ўсиш суръати 125,9 фоизга таъминланиши кутилмоқда.

Агар 2 жадвалда келтирилган кўрсаткичларни таҳлил қилганимизда яъни:

Автотранспорт хизмати 2018 йилда 3 897 млрд.сўм ўсиш суръати 136,2 фоиз, 2019 йилда 25 528 млрд.сўм ўсиш суръати 105,1 фоиз, 2020 йилда 28 474 млрд.сўм ўсиш суръати 101,4 фоиз, 2021 йилда 37 114 млрд.сўм ўсиш суръати 121 фоиз ва 2022 йилга жами хизматлар режаси 47 181 млрд.сўм белгиланган бўлиб, ўсиш суръати 126,5 фоизга таъминланиши кутилмоқда.

Темир йўл транспорти хизматлари 2018 йилда 5 929 млрд.сўм ўсиш суръати 81,2 фоиз, 2019 йилда 7 441 млрд.сўм ўсиш суръати 122,6 фоиз, 2020 йилда 8 202 млрд.сўм ўсиш суръати 110,3 фоиз, 2021 йилда 8 479 млрд.сўм ўсиш суръати 120,5 фоиз ва 2022 йилга жами хизматлар режаси 10 604 млрд.сўм белгиланган бўлиб, ўсиш суръати 125,7 фоизга таъминланиши кутилмоқда.

Ҳаво транспорти хизматлари 2018 йилда 4 971 млрд.сўм ўсиш суръати 120,3 фоиз, 2019 йилда 6 251 млрд.сўм ўсиш суръати 119,7 фоиз, 2020 йилда 3 217 млрд.сўм ўсиш суръати 43 фоиз, 2021 йилда 6 343 млрд.сўм ўсиш суръати 120,2 фоиз ва 2022 йилга жами хизматлар режаси 7 785 млрд.сўм белгиланган бўлиб, ўсиш суръати 121,8 фоизга таъминланиши кутилмоқда.

Кувур йўли транспорти хизматлари 2018 йилда 4 971 млрд.сўм ўсиш суръати 120,3 фоиз, 2019 йилда 10 532 млрд.сўм ўсиш суръати 89,4 фоиз, 2020 йилда 9 515 млрд.сўм ўсиш суръати 91 фоиз, 2021 йилда 10 001 млрд.сўм ўсиш суръати 120,3 фоиз ва 2022 йилга жами хизматлар режаси 12 378 млрд.сўм белгиланган бўлиб, ўсиш суръати 125,2 фоизга таъминланиши кутилмоқда.

Бошқа транспорт хизматлари 2018 йилда 4 971 млрд.сўм ўсиш суръати 120,3 фоиз, 2019 йилда 4 922 млрд.сўм ўсиш суръати 110,0 фоиз, 2020 йилда 4 256 млрд.сўм ўсиш суръати 77,4 фоиз, 2021 йилда 5 479 млрд.сўм ўсиш суръати 121,0 фоиз ва 2022 йилга жами хизматлар режаси 6 883 млрд.сўм белгиланган бўлиб, ўсиш суръати 126,2 фоизга таъминланиши кутилмоқда (2 жадвал).

Хулоса ва таклифлар. Транспорт хизматлари соҳасидаги мавжуд резервлар ва қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

Жумладан: *Биринчидан*, темир йўл ташувларини ривожлантириш йўналишида

- транзит юк ташиш ҳажмини ошириш;
- экспорт-импорт юк ташувлари ҳажмини ошириш;

- маҳаллий юк ташувлари ҳажмини ошириш;

- юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездларнинг янги йўналишларини очиш;

- темир йўл вокзалларда қўшимча савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил этиш.

Иккинчидан, автомобиль транспортида йўловчи ва юк ташиш хизматларини ривожлантириш йўналишида

- ҳудудларда жамоат транспортини такомиллаштириш мақсадида, янги мунтазам автобус йўналишларини ташкил этиш ҳамда тадбиркорлар томонидан такси фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитларни соддалаштириш орқали йиллик йўловчи ташиш ҳажмини ошириш;

- юк автотранспорт воситалари паркинги янгилаш, маҳаллий юк ташувчилар учун қулай рақобат муҳитини яратиш ҳамда халқаро юк ташувчи транспорт воситалари паркинги янгилаш;

2022 йилда самарали логистика тизимини яратиш ва халқаро ташувларда миллий ташувчилар улушини ошириш орқали автомобилда юк ташиш ҳажмини ошириш режалаштирилган.

Юқорида кўрсатилган иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмининг йилма-йил ўзгариш динамикаси шунини кўрсатмоқдаки, транспорт хизматларининг ривожланиши ижобий тенденцияга эга. 2022 йил якунига қадар мамлакатимизда барча транспорт хизматларининг ўсиш суръатларини камида 125,9 % даражагача етказиш мўлжалланмоқда.

Ушбу тадбирлар натижасида автотранспорт хизматлари ҳажмини 2022 йилда 47 млрд.сўмга етказиш яъни (125 %) прогноз қилинмоқда.

Учинчидан, авиация хизматларини ривожлантириш йўналишида

“Uzbekistan airways” жамияти томонидан 2022 йилда:

- йўловчи ташиш хизматлари ҳажмини ошириб, йиллик кўрсаткични 10-15 фоизга ошириш;

- юк ташиш хизматлари ҳажмини ошириб, йиллик кўрсаткични 10-20 фоизга ошириш кутилмоқда;

- “Uzbekistan airports” жамияти томонидан 2022 йилда кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини ошириш мўлжалланган, жумладан:

- ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш сонини ошириш;

- хизмат кўрсатилган йўловчилар сонини ўсишини таъминлаш;

- юкларга хизмат кўрсатиш ҳажмини 10 фоизга ошириш;

Шу билан бирга, Тошкент, Қарши, Самарқанд ва Бухоро аэропортларининг кузатиш ва кутиб олиш майдонларини кенгайтириш;

янги хорижий авиакомпания парвозларини республикамиз ҳудуди орқали амалга оширишга жалб қилиш орқали, ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш.

Тўртинчидан, автомобиль йўллари бўйидаги сервис ва бошқа объектларини ташкил этиш йўналишида

Магистраль йўл бўйи инфратузилма объектларини 2020-2025 йилларда ривожлантириш Дастури тасдиқланиб, унда 68 та йўл бўйи

сервиси объектларини жойлаштириш кўзда тутилган.

Бугунги кунда йўл бўйи инфратузилма объектларини иккита тоифадаги йўналишда ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

1. “Service area” (Сервис орол) тоифали, яъни ёқилғи қуйиш станциялари, умумий овқатланиш объектлари, мотеллар, техник сервис пунктлари, автомобилларни ювиш шохобчалари, дўконлар, санитария-гигиена шохобчалари ва WI-FI нуқталари ўрнатиш жойлари барпо этиш мақсадга мувофиқдир.

2. “Service point” (Сервис нуқтаси) тоифали, яъни ёқилғи қуйиш станциялари, умумий овқатланиш объектлари, дўконлар, санитария-гигиена шохобчалари босқичма-босқич ишга тушириш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги ПҚ-5113 қарори. “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” // Lex.uz.;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 декабрдаги 777-сон қарори “Товар-хом ашё биржаларида фьючерс савдоларини жорий қилиш ҳамда маҳсулотларни автотранспортда ташиш хизматларининг электрон логистика савдо порталини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида.;
3. Миротин Л. Б. Транспортная логистика / Под ред. М.: МАДИ, 2013
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг – очиқ ахборотлар базасидан шакилланган маълумотлар.;
5. «ЭКОЛЕНД» <https://ecln.ru/news/novosti-rynka/logistika-2020-2021-obshchie-tendentsii-i-situatsiya-v-mire;>
6. Медведкин Т.С. “Мировой рынок транспортных услуг: риски и возможности международной конкурентоспособности” Випуск 19, 2017г.
7. Рахимзода Б.К. Развитие рынка платных транспортных услуг в условиях рыночной экономики (на материалах Республики Таджикистан). Душанбе; 2017 йил
8. Поликова Я.Н. Основы маркетинга на транспорте. Маркетинг транспортных услуг в процессе. Учебное пособие, 2016г.
9. Ирисбекова М.Н., “Транспорт хизматлари бозорида рақобат устунликларини аниқлаш услубини такомиллаштириш йўллари”. (Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий мақола ва тезислари тўплами 2018 й, 266-270 бетлар.;
10. Иванов М.Б., “Об определении объема рынка транспортных услуг” статья №3 2009г., Вестник Ростовского государственного экономического университета. ;
11. [https://review.uz/oz/post/transport-sohasidagi-eng-muhim-islohotlardan-biri-davlat-monopoliyasini-va-cheklovlarni-bosqichma-bosqich-qisqartirib-borish.](https://review.uz/oz/post/transport-sohasidagi-eng-muhim-islohotlardan-biri-davlat-monopoliyasini-va-cheklovlarni-bosqichma-bosqich-qisqartirib-borish)
12. Lex.uz
13. Григорьева Е.В. – «Рынок транспортных услуг и качество транспортного обслуживания» Чита: ЗабГУ, 2017.
14. Хайитов Д., “Бизнес режа” Лойиҳани иқтисодий самарадорлиги, ҳалқаро транспорт логистика марказини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуриштириш, сақлаш ва экспорт қилиш орқали янги иш ўринларини яратиш. 2019 йил.